



тайинлашда суд ЖК 59-моддаси қоидаларини қўллайдими деган ҳақли савол пайдо бўлади.

Ушбу саволга жавоб бериш учун Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сон қарорига мурожаат қиламиз. Пленум қарорининг 49-бандида судларга ЖК 59-моддасида белгиланган жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш қоидалари қуйидаги ҳолларда қўлланилиши юзасидан тушунтириш берилган:

қилмиш ЖКнинг турли моддалари бўйича квалификация қилинганда;

қилмиш ЖК муайян моддасининг бир неча қисмлари билан квалификация қилинганда, башарти ушбу қисмлар турли жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутса (масалан, ЖК 228, 168, 273-моддалари);

шахс бир неча айнан ўхшаш қилмишни содир этган бўлиб, улардан айримлари тугалланган жиноят, бошқалари эса – жиноятга тайёргарлик, суиқасд тариқасида квалификация қилинганда ёки айримлари мустақил, бошқалари эса иштирокчиликда содир этилганда;

иш бўйича ҳукм чиқарилгандан кейин маҳкумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмгача яна бошқа жиноятда айбдорлиги аниқланганда.

Гувоҳ бўлганимиздек, Олий суд Пленум қарори ЖК Махсус қисми битта моддасининг бир нечта қисмлари билан содир этилган икки ёки бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашда ЖКнинг 59-моддаси қоидаларини қўллаш юзасидан тушунтириш беради. Бироқ, бунда ЖК Махсус қисмининг турли қисмларида белгиланган бир нечта жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутиш шартини илгари суради.

Қайд этиш жоизки, бир қанча жиноятларни ташкил қилувчи барча жиноятлар фақат бир шахс томонидан содир этилган бўлиши, шахснинг айнан қандай вазифани бажаргани, яъни, бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчилигидан қатъи назар, ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Бир қанча жиноятларни аниқлашда фақат жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлган қилмишлар ҳисобга олинади. Агар содир қилган бирор-бир қилмиш учун шахсни жавобгарликка тортиш асоси бекор бўлган бўлса, бундай қилмиш бир қанча жиноятларни ҳисобга олишда инobatга олинмайди. Шунингдек, жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги ҳам ҳисобга олинмайди.

Жиноятлар мажмуи учун жазо тайинлашда жиноят қонуни томонидан жазоларни қўшиш қоидаларини аниқ белгиланиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Зеро, жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш қоидалари қанчалик тушунарли ва жиноят қонунда батафсил тартибга солинган бўлса, шунчалик суд хатоларининг олдини олишга ва адолатли жазо тайинлашга хизмат қилади.

Амалдаги ЖКнинг 61-63-моддаларида жазоларни қўшишда ҳисоблаш қоидалари белгилаб берилган.

(ЖК шарх, Жиноят ҳуқуқи)

**PARA (PUL) LEKSEMASI ISHTIROK ETGAN TURK MAQOLLARINING SEMANTIKASI****Zilolaxon Ahmadjonova***Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti**Turkshunoslik fakulteti Filologiya yo'nalishi 3-bosqich talabasi**[zilola.ahmadjonova@gmail.com](mailto:zilola.ahmadjonova@gmail.com)**+998996437179**Ilmiy rahbar: N.Amirova*

**Annotasiya.** *Mazkur maqolaning o'rganish obyekti "para" leksemasi ishtirok etgan turk maqollari bo'lib, ushbu maqollarning semantik xususiyatlari tadqiqot ishining predmetini tashkil qiladi. Turk tilida pul birliklari ishtirokidagi jami 20 ta maqol aniqlandi. Avvalo, ushbu maqollar birlamchi xususiyatlariga ko'ra ikki ma'noviy guruhlariga ajratildi. Bunda maqollarda aks etgan yaqqol tushuncha asosida ijobiy va salbiy ma'no guruhlarini shakllantirildi. Shuningdek, "para" leksemasi qatnashgan turk maqollari ijobiy / salbiy ma'no bilan bir qatorda ichki chuqur ma'nolarga ham egaligi qayd etildi. Mazkur ma'nolarni tadqiq qilish maqsadida tahlilga tortilgan maqollar 6 semantik gruruhga, ya'ni para (pul)-kuch, para (pul)-qadrsizlik, para (pul)-fursat, para (pul)-mashaqqat, para (pul)-yordam, para (pul)-xasislik kabi guruhlariga ajratildi.*

**Tayanch so'z va iboralar:** *"pul" tushunchasi, turk maqollari, semantika, ma'noviy guruhlar.*

**Аннотация.** *Объектом исследования данной статьи являются турецкие пословицы с лексемой «para», а семантические особенности этих пословиц являются предметом исследовательской работы. Всего в турецком языке найдено 20 пословиц, связанных с денежными единицами. Прежде всего, эти пословицы были разделены на две смысловые группы по их основным характеристикам. Группы положительного и отрицательного значения были сформированы на основе четкого понимания, отраженного в пословицах. Также было отмечено, что турецкие пословицы с лексемой «para» кроме позитивное/негативное значение, имеют внутренний глубинный смысл. С целью исследования этих значений собранные пословицы были разделены на 6 смысловых групп, а именно: para (деньги)-власть, para (деньги)-незначительность, para (деньги)-возможность, para (деньги)-трудности, para (деньги) - помощь, para (деньги)- жадность.*

**Опорные слова и фразы:** *турецкий язык, пословицы, деньги, знание смысла.*

**Abstract.** *The object of research in this article is Turkish proverbs with the lexeme "para", and the semantic features of these proverbs are the subject of the research work. A total of 20 proverbs related to monetary units were found in the Turkish language. First of all, these proverbs were divided into two semantic groups according to their main characteristics. Positive and negative meaning groups were formed based on the clear understanding reflected in the proverbs. It was also noted that Turkish proverbs with the*